

**ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ЎҚУВ ПОРТРЕТЛАРИ БИЛАН ИЖОДИЙ
ПОРТРЕТ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАРНИ ЎРГАНИШ.**

Навоий давлат педагогика институти Ўзбекистон

Тогаев Келдиёр Хамидович

keldiyortogayev@gmail.com

(+998936605302)

Аннотация. Ушбу мақола Тасвирий санъатда ўқув портретлари билан ижодий портрет ўртасидаги фарқларни ўрганиш. Портрет ишлаш жараёнида кўзларнинг ранглари қандай бўлишини мазмуни ва аҳамияти каттадир. Айрим руҳшуносларнинг фикрига кўра қоракўз кишилар қатъиятли, бардошли, анча жўшқин ва шижоатли бўлишади. Раҳбар лавозимида турган одам серзарда бўлади. Муаммолар туғилганда, тезда энг муҳим ечимини топа олади. Вазифасидан воз кечиб кетишга ҳам тайёр, муаммолари ва умумий самарадорлигини ёритишга қаратилган.

Калит Сўзлар: Тасвирий санъат, Жозибадор ва мафтункор кўз эгаси соғлом, иродали, ақли, жўшқин, юрагида ўти бор одам бўлади. Олимларнинг фикрига кўра, бундай кўзлар бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, нур ва илиқлик таратиб туради, ковоқлар билан яхши ҳимояланган, рангдор пардаси ифодали, сермаъно. Мабодо шундай бўлмаса, бу - кишининг феъл-атвори ва ақл-идрокида нуқсон борлигини кўрсатади.

Абстрактный. В этой статье исследуются различия между образовательной портретной живописью и творческой портретной живописью в изобразительном искусстве. Значение и значение цвета глаз в процессе работы над портретом велико. По мнению некоторых психологов, черноглазые люди решительны, выносливы, очень восторженны и энергичны. Человек на позиции лидера находится в серзаре. При возникновении проблем он может быстро найти самое важное решение. Он готов бросить свою работу и сосредоточен на освещении своих проблем и общей эффективности.

Ключевые слова: Изобразительное искусство. Владелец привлекательных и обаятельных глаз будет здоров, волевой, умный,

восторженный, с огненным сердцем. По мнению ученых, такие глаза обладают рядом свойств: они излучают свет и тепло, хорошо защищены веками, имеют выразительную красочную пелену. Если это не так, это показывает, что в характере и интеллекте человека имеется дефект.

Abstract. This article explores the differences between educational portraiture and creative portraiture in fine art. The meaning and importance of the color of the eyes in the process of working on a portrait is great. According to some psychologists, black-eyed people are determined, durable, very enthusiastic and energetic. The person in the position of leader is in serzar. When problems arise, he can quickly find the most important solution. He is ready to give up his job and is focused on highlighting his problems and overall effectiveness.

Keywords: Fine art, The owner of attractive and charming eyes will be healthy, strong-willed, intelligent, enthusiastic, and have a heart of fire. According to scientists, such eyes have a number of properties, they radiate light and warmth, they are well protected by lids, they have an expressive, colorful veil. If this is not the case, it shows that there is a defect in the person's character and intelligence.

КИРИШ

Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев машхур «Амир Темур портрети»ни яратишда қиёфа илмидан хабардор бўлгани жуда қўл келганлиги ҳақида шундай дейди: «...портрет чизиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Бу соҳада ишлайдиган ижодкор-рассом, аввало, археология, тарих, анатомия (одамининг гавда тузилиши) ва қиёфа илми (физиогномика) фанларини чуқур билиши керак. Масалан, мен ўзим пластик анатомияни ўрганиш учун ТошМИга тўрт йил қатнаганман. Парижда ўқиб келган Матвеев деган ўқитувчимиз бўларди. Ўта зукко, билимли ва тажрибали эди. Кабинетида юздан ортик миллатнинг калла суяклари териб қўйилган бўлиб, мен у ерда ҳафталаб қолиб кетардим. Қош суяги эркакларда бўртиб чиқиши, аёлларда текис бўлишини ўшанда ўрганганман. Мимика, яъни юз мускуллари, албатта, ҳаракатга келади, қоши чимирилади».

Асосий қисм: Ижодий портретлар ишлаш жараёнида ҳар бир инсонни қоши, оғзи, қулоғи, бурни феъл–атфори боғлиқ тасвирланиши лозим. Шунинг учун қошни тасвирланиш кўринишларини ўрганиб чиқамиз. Ҳаётда энли, узун қош энг ажойиби ҳисобланади. Унинг шакли, ранги, қалинлигига кўра мутаносиб ривожланиши, кишининг ҳиссиёти, ақли ва феъл–атфори ўзаро уйғунликда эканлигидан далолат беради. Дағал ва бароқ қош эса, бунинг аксини кўрсатади. Чиройли қош унинг эгаси атрофидагилар билан яхши муносабатда бўлишини кўрсатади.

Қалин қошнинг ташқи учлари кўтарилиб туриши олийҳимматлик ва мардлик аломатидир. Қошнинг ташқи учлари пастга қайрилиши тортинчоқликни билдиради. Бундай қошнинг тузилиши ва ранги кўримсиз бўлса, бу - юракдаги жўшқинлик тугагани аломатидир. Қош текис ва узун, атрофдаги териси тиниқ рангда бўлса, бундай эркак ақллидир. Шундай аёл эса, тантиқ ҳисобланади ва ундан исталган ҳатти-ҳаракатни кутиш мумкин.

Калта қош ҳамиша бу хусусиятларнинг тескарисини англатади. Бироқ калта, лекин қалин қош бирдан ловуллаб кетувчи одамга хос. Қалин, супургиқош «иблисона» феъл-атфорли одамда учрайди. Супургиқош доим ўжарлик, саркашлик, мурасасозлик аломатидир. Энли, қалин ва пайваста қош бошқалардан устун бўлишга зўр бериб уринишни билдиради. Бундай аёллар кучли характерга эга эканлигидан, лекин уй бекаси бўлолмайди. Юқори жойлашган қош - мақсадга интилиш аломати. Паст жойлашган қош эса - бунинг аксидир.

Инсон кўзи азалдан қалб кўзгуси деб таърифланади. Кишининг ички кечинмалари ҳамиша кўзидан кўриниб туради. Жозибадор ва мафтункор кўз эгаси соғлом, иродали, ақлли, жўшқин, юрагида ўти бор одам бўлади. Олимларнинг фикрига кўра, бундай кўзлар бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, нур ва илиқлик таратиб туради, қовоқлар билан яхши ҳимояланган, рангдор пардаси ифодали, сермаъно. Мабодо шундай бўлмаса, бу - кишининг феъл-атвори ва ақл-идрокида нуқсон борлигини кўрсатади.

Кўзлари йирик-йирик одам, серҳиссиёт, сезгир, аксари ҳолларда мард ва жасур, ҳатто етакчиликка интилувчан бўлади. Кичкина кўзлар эса кўпинча ичимдагини топ дейдиган, гоҳо ўзига бино қўйган, ўжар одамларга хос. Аксари ҳолларда бундай кишилар ҳайратланарли даражада собит бўлишади.

Рангдор парданинг йириклиги - юмшоқ муомала ва осойишталик белгиси, кичиклиги эса ички жараёнларнинг ўзаро номувофик-лигидан дарак беради.

Рангдор парданинг ранги одамда ҳаётий кучлар бор-йўқлигини кўрсатади: қора, жигарранг ва яшил кўз пардаси жўшқинлик, ғайратдан; мовий ранг - таъсирчанликдан: оч жигарранг парда - тортинчоқликдан далолат беради.

Кўзларнинг қандай жойлашувида ҳам ўзига хос маъно бор. Иккови битта горизонтал чизикда жойлашуви яхши аломат. Кўзларнинг пастроқ жойлашуви эркакларда довураклик, қатъий-ликдан, аёлларда эса енгилтакликдан далолат беради.

Юқори қовоқнинг салқиб туриши - етуклик белгиси, жуда осилиб кетиши эса, эркакларда жўшқинлик, ғайрат тугаганини кўрсатади. Қовоқнинг ёқимсиз ранги физиологик жараёнлар издан чиққанини кўрсатади. Пастки қовоқнинг салқиб туриши - жўшқин ҳаёт белгиси, осилиб тушиши, бошқача

айтганда, кўз калтаси майл-хоҳишлар бетийиқлигидан далолат беради. Устки ва пастки қовоқларнинг шишиб туриши эса - ҳаётдан толиқиш аломати. Кўзларнинг ташқи бурчаги серажинлиги - зийраклик, ақл-заковат белгиси.

Японлар, шунингдек, кўзларни турларга ҳам ажратишади. Аждархо кўзлари деб аталувчи йирик-йирик, чакнаб турувчи, тирак кўзлар, одатда, ҳукмфармон одамларда учрайди. Икки чеккаси юқорига қайрилган узунчоқ кўзлар қакнус қуш кўзлари деб аталади, улар одатда нозик дидли одамларда бўлади. Қовоқлари қат-қат тахланувчи йирик-йирик кўзлар шернинг кўзлари дейилади. Бошқаларни ортидан эргаштира олувчи етакчи одамлар шундай кўзга эга. Қовоқлари икки-уч қаватли энсиз, узунчоқ кўзлар филда бўлади. Улар одатда юмшоқ муомлани семиз кишиларда учрайди. Сарғиш тусда ялтировчи юмалоқ кўзлар - йўлбарсники, рангдор пардаси қорамтир - сарғиш тусдаги энсиз ва кичик кўзлар - қўйники; қовоқлари салқиган, бичими уч бурчакли кўзлар - отники; рангдор пардаси ҳаддан зиёд катта кўзлар - бўриникидир. Японияда қирққа яқин кўз турлари ўзаро фарқ-ланади. Уларнинг бари ҳайвонлар кўзига қиёсланади ва муайян ҳайвонга хос хатти - ҳаракат кўзлари ўша турдаги одамга ҳам хос деб ҳисобланади.

Портрет ишлаш жараёнида кўзларнинг ранглари қандай бўлишини мазмуни ва аҳамияти каттадир. Айрим руҳшуносларнинг фикрига кўра қоракўз кишилар қатъиятли, бардошли, анча жўшқин ва шижоатли бўлишади. Раҳбар лавозимида турган одам серзарда бўлади. Муаммолар туғилганда, тезда энг муҳим ечимини топа олади. Вазифасидан воз кечиб кетишга ҳам тайёр.

Оч-жигаранг кўзлар эгаси - ўз қобиғига ўралиб олган, ичимдагини топ дейдиган ва ўзини ўйлайдиган кишилардир. Улар бир ҳилдаги ишни осонгина бажаришади. Бироқ, бошқа биров буйруқ беришини кўтаришаолмайди. Аксинча, ўз ҳолатига қўйиб берилса, жуда яхши ишлашади. Кўккўз кишилар чидамли, ҳиссиётга унча берилмайдиган, турмушдаги бир хиллик эса уларга ёмон таъсир қилади. Улар, одатда, бадқовок, дилгин кишилардир.

Кишидаги ҳаётини кучлар қай даражадалигини аниқлашга оғизнинг шакл ва ўлчамлар тасвири кўрсатади. Японлар эркакларнинг оғзи катта, аёлларники эса, аксинча, кичкина бўлишини маъқул кўришади. Оғзи катта аёл мардонавор деб ҳисобланади, бироқ бу эркакларга кўпда ёқавермайди. Умумий хулосалар қуйидагича. Оғзи тор кишилар тирикчилик пайига тушган бўлади, иродаси заиф. Юпқа лаблар - инжиқлик, серзардалик белгиси. Оғзи катта бўлиб, бурчаклари пастга қайрилган одам кучли иродага эга, унга таъсир кўрсатиш осон эмас. Лабларнинг ҳадеганда учиб туриши - асабийлик аломати.

Бурчаклари пастга қайрилган кичкина оғиз таъсирчан кишиларда учрайди. Дўрдоқ лаблар - муваффақият ғарови. Оғизнинг қийшаймай, бир текис очилиши ҳис-туйғулар жиловлан-ганини кўрсатади. Агар оғиз бурчакларига

кўзлардан ажин тушиб келса, бу - машаққатли ҳаёт белгиси. Мабодо шундай ажинлар оғиз бурчакларига буруннинг икки томонидан тушиб келса, бу - маккорлик аломати. Ўжар, қайсар одамнинг оғзи, одатда, бир томонга қийшайиб туради. Юқори лабнинг олдинга чиқиши - қатъиятсизликдан, пастки лабнинг чиқиб туриши эса - худбинликдан далолат беради. Лаблар устидаги ажинлар - қариш аломати. Бу ажинларнинг ингичкалиги, кўпинча, саломатлик заифлигини кўрсатади. Лабдаги чуқур ажинлар эса гуллаган ёшлиқдан ва етукликдаги мухтожликлардан далолат беради.

Чириган тиш ҳамда касалланган тил саломатлик ёмонлигини кўрсатади. Албатта, бу барча белгиларни рангтасвирдан ижодий ишларни бажариш жараёнида ижобий таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга инсоннинг яна бир аъзоси бўлмиш кулоқни кўриниш тасвири ҳақида сўз юритамиз. Кулоқнинг тузилиши тўрт қисмга бўлинади: ташқи ҳошия, ўрта ҳошия, ички ҳошия ва солинчак - пастки юмшоқ қисми. Кулоқ бўйича, одатда болалик қандай ўтгани аниқланади. Бунда умумий қоидалар қуйидагича: яхши шаклланган кулоқ бахтли болалиқдан дарак беради. Кулоқнинг қинғир - қийшиқлиги ва рангпарлиги - кўнгилсизликлар даракчиси. Шалпангкулоқ қарийб ҳамيشа шахсиятдаги қусурлардан далолат беради. Чучваракулоқ - бахтсизлик аломати.

Кулоқлар бошда қандай жойлашгани ҳам кўп нарсани англатади. Кулоқнинг юқори учи қошдан баланд бўлиши юксак ақл-заковатни кўрсатади; кўз билан бир чизикда жойлашуви - ақл-идроқ ўртачадан юқорилигини; кўздан паст бўлиши ақл-идроқ ўртача ёки ундан пастлигини билдиради. Кулоқнинг солинчаги яхши шаклланмагани шахсиятдаги номувофикликлардан дарак беради. Солинчакнинг узунлиги - беғамлик, яққол сезилмаслиги - нозик табиат, инжиқлик белгиси. Солинчаги жуда катта одамлар Шарқда донишманд саналади. Агар у сал олдинга чиқиб турса, бу - самимийлик аломати.

Кулоқнинг ички ҳошияси ҳис-туйғулар кўрсаткичидир: у ичкарига тортилган бўлса - вазминлик, босиқлик, ташқарига чиқиб турган бўлса - жиззакилик белгиси. Кулоқнинг оч қизғиш ранги мақбул ҳисобланади, сарғиш ёки кўкимтир ранг касалликдан дарак беради. Кулоқнинг олдинги ва юқори қисмлари ёқимтир ранг бўлиши - яширин касаллик аломати. Кулоқ ичида хол бўлиши - кўнгилсизлик, бахтсизлик белгиси.

Хулоса қилиб айтганда, мақола тасвирий санъат Портрет ишлаш жараёнида кўзларнинг ранглари қандай бўлишини мазмуни ва аҳамияти каттадир. Айрим руҳшуносларнинг фикрига кўра қоракўз кишилар қатъиятли, бардошли, анча жўшқин ва шижоатли бўлишади. Раҳбар лавозимида турган одам серзарда бўлади. Муаммолар туғилганда, тезда энг муҳим ечимини топа олади. Вазифасидан воз кечиб кетишга ҳам тайёр. Инсон кўзи азалдан қалб кўзгуси деб таърифланади. Кишининг ички кечинмалари ҳамيشа кўзидан кўриниб туради.

Жозибодор ва мафтункор кўз эгаси соғлом, иродали, ақлли, жўшқин, юрагида ўти бор одам бўлади. Олимларнинг фикрига кўра, бундай кўзлар бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, нур ва илиқлик таратиб туради, қовоқлар билан яхши ҳимояланган, рангдор пардаси ифодали, сермаъно. Мабодо шундай бўлмаса, бу - кишининг феъл-атвори ва ақл-идрокида нуқсон борлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Tog'ayev Keldiyor Xamidovich , Rōzimurodova Sevinch G'ayratjon qizi , [BOSHLANG'ICH SINIF TASVIRIY SAN'AT DARSLARIDA BORLIQNI IDROK ETISH MASHG'ULOTLARINING AHAMIYATI VA «TASVIRIY SAN'AT FANINI O'QITISH METODLARI»](#) , [TADQIQOTLAR: Vol. 27 No. 3 \(2023\): "TADQIQOTLAR jahon ilmiy-metodik jurnali | 27-son | 3-qism"](#)
2. Tog'ayev Keldiyor Xamidovich , Normurodova Hilola Asadjon qizi , [TASVIRIY SAN'AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI SAN'ATNING TARBIYAVIY AHAMIYATINI TALABALARGA AMALIY TADBIQ ETISH.](#) , [TADQIQOTLAR: Vol. 27 No. 2 \(2023\): "TADQIQOTLAR jahon ilmiy-metodik jurnali | 27-son | 2-qism"](#)
3. Тоғаев, К. Х., & Рамозонова, Ф. Б. (2023). РАНГТАСВИРДА РАНГ МУНОСАБАТЛАРИ ХАМДА ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *TADQIQOTLAR*, 27(2), 85-89.
4. Sobirovna, A. R., & Khamidovich, T. K. (2023). THE ELECTROMAGNETIC EFFECT. *XALQARO ANIQ FANLAR TAHLILI*, 1(2), 47-50.
5. Тоғаев, К. Х. (2023). ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ ЖАНРИГА ОИД АСАРЛАРИ ИНСОНДА ТАБИАТГА ВА ГУЗАЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Oriental Art and Culture*, 4(3), 393-398.
6. Tog'ayev, K. X. (2022). TASVIRIY SAN'AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI. *Innovative Development in Educational Activities*, 1(6), 44-50.
Келдиёр Хамидович Тоғаев ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ ЖАНРИГА ОИД АСАРЛАРИ ИНСОНДА ТАБИАТГА ВА ГУЗАЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ // *Oriental Art and Culture*. 2023. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tasviriy-sanatdagi-manzara-kompozitsiyasi-zhanriga-oid-asarlari-insonda-tabiatga-va-guzallik-fazilatlarini-shakllantirish> (дата обращения)
8. Keldiyor Xamidovich Tog'ayev TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARINI TABIAT QO'YNIDA TASHKIL TISHNING AFZALLIKLARI JIHATDAN PUXTA BILIM Olishiga erishish va o'quvchilarning ijodkorlik faoliyatini rivojlantirish omillariga e'tibor qaratish // *Oriental Art and Culture*. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tasviriy-san-at-mashg-ulotlarini-tabiat-qo-ynida>

- tashkil-tishning-afzalliklari-jihatdan-puxta-bilim-olishiga-erishish-va-o (дата обращения: 22.09.2023).
9. Dilmurod Xolmamatovich Axmedov XORIJIY TAJRIBALARDAN TASVIRIY SAN'AT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING IJTIMOY PEDAGOGIK TARIXI VA ASOSLARI // Oriental Art and Culture. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/xorijiy-tajribalardan-tasviriy-san-at-tizimini-takomillashtirishning-ijtimoiy-pedagogik-tarixi-va-asoslari> (дата обращения: 22.09.2023).
 10. Shovdirov, S. BB Boymetov Methods of Organizing Practical and Theoretical Classes for Students in The Process of Teaching Fine Arts International Journal on Integrated Education.
 11. Niyazovish G. I. WAYS OF USE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FINE ARTS CLASSES AND THROUGH THE IMPROVEMENT OF IDEAS OF NATIONAL INDEPENDENCE TO STUDENTS // Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 234-237.
 1. 12. Tog'ayev, K. X. (2022). TASVIRIY SAN'AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI. *Innovative Development in Educational Activities*, 1(6), 44-50.
 12. Bobonazarov S. KOMPOZITSIYA MASHG 'ULOTLARIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING MUHIM EKANLIGI // Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B6. – С. 11-14.
 13. Bobonazarov S. U., Jalolov S. C. Etnomadiy Fenomenon Sifatida Nuza San'atlari // Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) <https://www.tarj.in>.
 14. Soli Tolibovich Sadiyev O'RTA ASRLAR SHARQ MINIATYURA MAKTABLARINING METODLARI // SAI. 2022. №C2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-rta-asrlar-sharq-miniattyura-maktablarining-metodlari> (дата обращения: 26.10.2023).
 15. Choriyevich J. S. The role of composition in increasing the spatial imagination of students and students // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 15-17.
 16. Choriyevich J. S. TASVIRIY SANATDA RANG VA YORUGLIKLARNING ORNI // Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. C2. – С. 113-116.
 17. Jalolov S. METHODOLOGY OF PROFESSIONAL TRAINING OF ARTS TEACHERS // Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. B5. – С. 37-39.
 18. Kulmurotov N. R. et al. VARIOUS ISSUES IN THE FIELD OF SETTING NONSTATIONARY DYNAMIC PROBLEMS AND ANALYZING THE WAVE STRESS STATE OF DEFORMABLE MEDIA // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 9. – С. 365-369.

19. Абдуллаев Акбар Хикматович НРАВСТВЕННОЕ И ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ УЧЕНИКОВ ЧЕРЕЗ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО // Academy. 2021. №4 (67). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nravstvennoe-i-esteticheskoe-vozpitanie-uchenikov-cherez-izobrazitelnoe-iskusstvo> (дата обращения: 02.11.2023).
20. Абдуллаев А. Х. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИЗМАЧИЛИК ВА ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2022. – Т. 5. – №. 3.
21. Аслонов Ф. Б. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишнинг педогогик-психологик хусусиятлари //Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў Илимий-методикалык журнал. – 2021. – №. 5.
22. Usmonovna A. Z. THE USE OF CLASSIC STYLES IN MODERN FASHION //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. А4. – С. 263-264.
23. Usmonovna, A. Z. (2023). THE USE OF CLASSIC STYLES IN MODERN FASHION. *Science and innovation*, 2(A4), 263-264.
24. Amonova Z. U., Vosiyeva A. T. MODELIER DIZAYNERLAR CHIZADIGAN INSON QOMATIDA LIBOSLARGA RANGNING BOSQICHMA-BOSQICH BERILISHI USULLARI //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 178-182.
25. Amonova, Z. U., & Vosiyeva, A. T. X. (2022). MODELIER DIZAYNERLAR CHIZADIGAN INSON QOMATIDA LIBOSLARGA RANGNING BOSQICHMA-BOSQICH BERILISHI USULLARI. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 178-182.
26. Xamidova G. X. MUHANDISLIK GRAFIKASI VA CHIZMA GEOMETRIYA FANLARIDAGI ONA TILI QOIDALARIGA XILOF, NOTO ‘G ‘RI VA NOANIQ BAYON QILINAYOTGAN TERMINLAR VA ULARNING OLDINI OLISH //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 203-207.
27. Xamidova, G. X. (2022). MUHANDISLIK GRAFIKASI VA CHIZMA GEOMETRIYA FANLARIDAGI ONA TILI QOIDALARIGA XILOF, NOTO‘G‘RI VA NOANIQ BAYON QILINAYOTGAN TERMINLAR VA ULARNING OLDINI OLISH. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 203-207.
28. Xamidova G. X. CHIZMACHILIK FANINI O‘QITISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH: GulmiraXamidovnaXamidova, NavoiydavlatpedagogikainstitutiSan’atshunoslikfakul’teti, Tasviriysanatvamuhahdislikgrafukasikafedrasioqituvchi //Научно-практическая конференция. – 2022.

29. Vosiyeva A. USE OF TRANSFORMATION IN THE DIRECTION OF DESIGN AND ITS IMPORTANCE //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. А4. – С. 31-33.
30. Vosiyeva, A. (2023). USE OF TRANSFORMATION IN THE DIRECTION OF DESIGN AND ITS IMPORTANCE. *Scienceandinnovation*, 2(A4), 31-33.
31. Shovdirov, S. BB Boymetov Methods of Organizing Practical and Theoretical Classes for Students in The Process of Teaching Fine Arts International Journal on Integrated Education.
32. Niyazovish G. I. WAYS OF USE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FINE ARTS CLASSES AND THROUGH THE IMPROVEMENT OF IDEAS OF NATIONAL INDEPENDENCE TO STUDENTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 234-237.
33. Эсанова, Л. К. (2022). Деятельность в интересах подростков на уроках изобразительного искусства. *Science and Education*, 3(1), 1043-1047.
34. Bobonazarov S. KOMPOZITSIYA MASHG ‘ULOTLARIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING MUHIM EKANLIGI //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В6. – С. 11-14.
35. Эсанова, Л. К. (2022). Использование нетрадиционных техник в изотворчестве дошкольников. *Science and Education*, 3(12), 632-638.
36. Аслонов Ф. Б. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишнинг педогогик-психологик хусусиятлари //Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў Илимий-методикалык журнал. – 2021. – №. 5.
37. Aslonov F. B. MAMLAKATIMIZNING TURLI HUDUDLARIDA GANCHKORLIK SAN’ATININING RIVOJLANISH TARIXI //Innovative Development in Educational Activities. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 218-221.
38. Botirovich A. F., Shukhratovna R. N. Pedagogical and psychological features of increasing the creative activity of students in art classes //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 1. – С. 48-53.